11 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 226 (5517).
3 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИНИНГ ҒОЯТ КАТТА ЮТУҒИ

«САЛЮТ-7» — «СОЮЗ» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИДА ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН КОСМИК УЧИШНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА, КОСМОНАВТЛАР ЛЕОНИД ДЕНИСОВИЧ КИЗИМ, ВЛАДИМИР АЛЕКСЕЕВИЧ СОЛОВЬЕВ, ОЛЕГ ЮРЬЕВИЧ АТЬКОВГА

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг мамлакатимиз космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштириш соҳасида янги ғоят катта ютуққа эришди. Совет космонавтлари Леонид Денисович Кизим, Владимир Алексеевич Соловьев ва Олег Юрьевич Атьков тарихда энг узоқ давом этган 237 кунлик орбитал учишни амалга оширдилар.

Иш давомида комплекс ичига иккита ташриф экспедицияси олиб чиқилди. Улардан биринчиси Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ҳиндистон Республикасининг граждани Ракеш Шармадан иборат халқаро экипаж эди. Совет — Ҳиндистон экипажининг парвози Совет Иттифоқи космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш иштиёқида эканлигини яна бир бор намойиш қилди. Иккинчи экспедиция — Владимир Жонибеков, Светлана Савицкая ва Игорь Волк ҳам ишлар программасини муваффақиятли бажардилар. Космонавт аёл биринчи марта очиқ космик фазога чиқди.

Асосий экспедиция 237 кунлик иш мобайнида геофизик, медицина-биологик, астрофизик, биотехнологик ва техникавий тадқиқотлар ҳамда экспериментларнинг жуда кенг комплексини бажарди. Олинган ахборот илм-фан, халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун ва космонавтикани янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга.

Кизим ва Соловьев ўртоқлар станциядан ташқарида талайгина ишни бажардилар, улар очиқ космик фазога 6 марта чиқиб, мураккаб монтаж операцияларини зўр маҳорат билан амалга оширдилар.

«Салют-7» илмий станциясининг ишлаб турганлиги (бу станция салкам икки ярим йилдан буён Ер атрофи орбитасида бўлиб, шунинг 595 куни киши бошқарган режимда ўтди) Ватан космик комплексларининг юксак самарадорлигидан далолат беради. Олимлар, конструкторлар, космонавтлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг дадил тафаккури ҳамда собитқадам ғайратшижоати, моҳирона ва виждонан меҳнати космосни тинч тадқиқ этиш ва ўзлаштириш соҳасида эришган барча ютуқларимизнинг негизидир.

Космонавтика тарихида энг узоқ давом этган ва киши бошқарган учишнинг муваффақиятли амалга оширилганлиги натижасида космик фазони тобора ўрганиш ва ўзлаштириш юзасидан КПСС XXVI съезди белгилаган ўн биринчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшилди.

Азиз Леонид Денисович Кизим, Владимир Алексеевич Соловьев ва Олег Юрьевич Атьков ўртоқлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети сизларнинг жасоратингизни юксак қадрлайдилар ҳамда киши бошқарган учишнинг узоқ давом этганлиги ҳамда тадқиқотлар ва экспериментларнинг кўп қирралиги жиҳатидан мислсиз парвоз аъло даражада бажарилганлиги билан саммий қутлайдилар.

«Салют-7» — «Союз» илмий-тадқиқот комплекси ичидаги мана шу учишни амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларни, космодром, космонавтларни тайёрлаш маркази, учишни бошқариш марказининг, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларининг мутахассисларини, барча коллективлар ҳамда ташкилотларни қизғин табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар, тараққиёт ва тинчлик йўлидаги, бутун инсоният манфаатлари йўлидаги муҳим ва масъулиятли ишларингизда сизларга янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

=тонгги газеталарда

●КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 2 октябрь куни Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши президиумининг раиси, бош министри Али Носир Муҳаммад билан учрашди.

Дўстлик, ўртоқлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида Совет—Жанубий Яман муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилинди.

● Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси Л. Д. Кизимни Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисида, космонавт-учувчилар В. А. Соловьёвга ва О. Ю. Атьковга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида, В. А. Соловьёв ва О. Ю. Атьков ўртоқларга «СССР космонавт-учувчиси» унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармонлари эълон қилинган.

●2 октябрь куни Тошкентда эмиссион электроникага бағишланган Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Ўзбекистон пойтахтига шу билан учинчи бор мамлакатнинг илм-фан ана шу ёш тармоғида шуғулланаётган атоқли олимлар келишди.

●2 октябрь куни Тошкентда ўз ишини бошлаган Бутуниттифоқ илмий-методик семинари кун тартибига халқаро ядро информацияси системасига мувофиқ ахборот таъминоти самарадорлигини ошириш ва маълумот юборишни автоматлаштириш йўлларидан иборат асосий проблемалар киритилди.

● ТАСС таклифига биноан мамлакатимизга келган Индонезия Антара информация агентлигининг бош директори авиация вице-маршали Ш. Трангоно ва шу агентликнинг маъмурий директори И. Албанжар Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқдалар.

2.000.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАҚЛАР №3

ПАХТА ТЕРИМИ СУРЪАТИ ВА СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК

Социалистик мусобақа якунларига кўра Тошкент области сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Область пахта тайёрлаш планини 37,96 процент бажарганлиги, ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 32,61 процент ўсишини таъминлаганлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

2 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев областга кўчма Қизил байроқни топширди. У эришилган ютуқларни мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга пахта тайёрлаш суръатларини янада оширишга эришиш область механизаторларининг фахрли бурчидир, деди. Ҳозир энг муҳими — етиштирилган барча ҳосилни энг қисқа муддатларда нестнобуд қилмай йиғиштириб олиш, йиғим-терим ишларининг юксак сифатли бўлишини таъминлаш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш ҳамда бешинчи йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажаришдан иборат.

Ҳозирги пайтда, деб таъкидлади И. Б. Усмонхўжаев, мавсумнинг асосий зарбдор кучи бўлган терим техникасидан юксак самара билан фойдаланишга эришиш муҳимдир. Шу кунларда барча машиналар далада бўлиши, тўла қувват билан икки сменада ишлаши, энг кам даражада бекор туришига эришиш зарур. Тошкент областининг хўжаликлари қошилни машинада теришни аниқ ташкил этишнинг яхши тажрибасига эга. Бу йил энг кам меҳнат сарфлаган ҳолда пахтани териб олишнинг юксак суръатларини таъминловчи индустриал технология афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш, бутун конвейер-далатайёрлов пунктининг бир маромда ишлашига эришиш керак. Ҳосил сифатини яхшилаш, тола чиқишини ва унинг пишиқлигини ошириш соҳасида қунт билан иш олиб бориш зарур. Ҳар бир пахта заводи тола ишлаб ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш кунлик ва ойлик топшириқларини бажариши ва ошириб бажаришига, йўл қўйилган қолоқликни тезроқ тугатишига эришиш лозим.

Пахтани машинада териш ни ташкил этиш билан бир қаторда уни қўлда териш суръатларини кучайтириш зарур. Бунинг учун барча мавжуд ишчи кучидан самарали фойдаланишга эришиш керак. Ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси, шунингдек уларга ёрдамга келган шаҳарликлар етиштирилган бутун ҳосилни ёғингарчилик кунлари бошлангунга қадар териб олиш учун энг юқори меҳнат унумдорлиги билан ишлашлари керак. Айни вақтда қуритиш-тозалаш цехларини иккинчи эшелон машиналари — подборщиклар, қўрак териш ва қўрак чувиш агрегатларини тахт этиб қўйиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур.

Йиғим-терим кампаниясининг муваффақияти партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари даражасига, совет, касаба союз, комсомол органлари, хўжалик раҳбарларининг аниқ ишлашига боғлиқдир. Шу кунларда коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлик ролини ошириш, теримда қатнашаётган барча кишиларга эътиборли ва ғамхўр бўлиш муҳимдир.

Деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлар суръатини ошириш керак. Областда дон учун маккажўхори йиғиштириб олиш кечиктириб юборилди, шоликзорларда ишлар сust олиб борилмоқда. Мева ва сабзавот маҳсулотларини тайёрлашни, уларни қишга сақлаш учун ғамлашни кучайтириш, картошка тайёрлашни кўпайтириш учун чоралар кўриш зарур. Бу йилги қишловни муваффақиятли ўтказиш ҳамда ферма маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш планларини бажариш энг муҳим вазифадир. Чорвачиликнинг аҳволи учун, план ва давлат интизомига риоя этиш учун хўжаликларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш, емхашак запасини кўпайтиришга онд ғоят қатъий чоралар кўриш лозим. 1985 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўтказишга доир ишларни ҳам кучайтириш, кузги дон экинлари экишни ўз вақтида тамомлаш, ҳосилдан бўшаган ерларни ҳайдашни жадаллаштириш, шудгорга солиш учун етарли миқдорда ўғит тўплаш, ер ҳайдов тракторларини тахт қилиб қўйиш керак.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов ва сўзга чиққан бошқа кишилар кўчма Қизил байроқни қабул қилиб олар эканлар, Тошкент областининг пахтакорлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун барча ишларни қиладилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янгидан янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб ваъда бердилар. (ЎзТАГ).



«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида). **Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.**

Фарғона	3,00	49,80
Андижон	2,75	43,24
Тошкент	4,10	42,06
Наманган	2,93	37,04
Сурхондарё	2,65	35,72
Бухоро	1,70	32,05
Хоразм	2,52	27,46
Самарқанд	2,18	26,31
Навоий	1,38	24,58
Қашқадарё	1,23	19,71
ҚҚАССР	1,91	16,91
Жиззах	2,31	15,08
Сирдарё	2,37	12,19
Республика бўйича:	2,42	30,47

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ—ПАХТАКОРЛАРГА

Пойтахтнинг Ленин районн меҳнат коллективлари ҳам юбилей йили пахта йиғим-терими мавсумида қишлоқ меҳнаткашларига кўмаклашишга аҳд қилдилар. Район маданият бўлими томонидан пахта йиғим-теримида иштирок этадиган ҳаштарчиларга маданий хизмат кўрсатувчи агитбригадалар тузилди. Толибжон Содиқов номли шаҳар маданият уйи, Ғафур Ғулом номли маданият уйи ҳаваскорлари, А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри, «Ўзбекконцерт» ва Ўзбек Давлат филармонияси бадиий коллективларидан тузилган бундай бригадалар мавсумда пойтахт областининг Бекобод ва Жиззах областининг Октябрь райони хўжаликларида маданий хизмат кўрсатади. Турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар, рангбаранг концерт программалари тузиб чиқилди. Тез орада махсус агитбригадалар пахтакорлар ҳузурига йўл олади. Улар ўзларининг шўх куй ва қўшиқлари, рақслари, қизиқарли суҳбатлари билан юбилей йилининг юксак пахта хирмонларини яратаётган фидокор кишиларнинг бунёдкорона меҳнатига камарбаста бўлишади.



БИРИНЧИ КУНДАН ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

Шу кунларда Ўзбекистон пойтахтининг юзлаб студентлари, мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртларининг талабалари, корхона ва муассасаларнинг вакиллари пахта йиғим-теримн конвейерига актив қўшилдилар. 9-синф ўқувчиларининг «Бутун синф билан — пахта даласига» ватанпарварлик ташаббуси, СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатларининг мурожаатини тошкентликлар чин қалбдан қизғин кўллаб-қувватладилар. Бугунги кунда республика юбилейи йилининг «оқ олтин» ҳосили тақдирн учун жон куйдирмаётган киши қолмади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти дефектологня факультетининг студент ва ўқитувчилари пахтазордаги дастлабки кун кунлариданоқ йиғим-теримга актив қўшилдилар. Улар Сирдарё областининг Ильич районидаги Ғафур Ғулом номли совхозда меҳнат қилишаяпти. Ишнинг ташкил этилиши пухта ўйланган. Факультетнинг уч юз саксон нафар студенти совхоз шийпонларига жойлаштирилган бўлиб, отрядларга тақсимланган.

Шаҳарлик пахтакорларнинг турмуши ва дам олиши масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Ҳашарчилар жойлашиб бўлишлари билан теримда ўз кучларини синаб кўрмоқчи бўлиб қолдилар. Чунки етиштирилган мўл ҳосил ўзига чорлади. Биринчи кун уларнинг дам олгани эмас, меҳнат қилганн келганликларини кўрсатди. Пешқадамлар ҳам аниқланди: Р. Жумаииёзова, О. Юсупова, И. Алимова, У. Баратовалар хирмонга 130—140 килограммдан «оқ олтин» тўкдилар.

— Ўтган йили студентларимиз Мирзачўл районидаги «Тошкент» совхозн далаларида пахта теримида зарбдорларча меҳнат қилишган эди, — дейди факультет деканн Г. Айтметова. — Бу йил ҳам ортда қолмаймиз. Етиштирилган ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олишда деҳқонларга бутун кучимиз билан ёрдам берамиз.

СУРАТЛАРДА: катта ўқитувчи В. Раҳмонова студентларининг вазифаларини аниқламоқда; тўртинчи курс студентлари Р. Жуманиёзова, Д. Туропова, У. Баратова, З. Ортиқова; факультет биринчи курс студентлари С. Мирзаҳмедова ва М. Миразимова.





ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

● МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР БЕРАДИ

ИШЧАНЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК ВАЗИЯТИДА

Пойтахтимиз бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов йиғилишлари давом этмоқда: 26 сентябргача 444 бошланғич партия ташкилотида йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда 11000 га яқин коммунист иштирок этди. Музокараларда 2620 киши ёки йиғилишда қатнашган ҳар тўрт коммунистдан бири сўзга чиқди.

Улар партия ташкилотларининг роли ва жанговарлигини оширишга, меҳнаткашларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қўйган вазифаларни бажаришга сафарбар этишга қаратилган 2140 танқидий мулоҳаза ва таклифлар билдирдилар.

Коллективларда ғоявий-тарбиявий ишларни олиб бориш, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш масалалари ишчанлик ва талабчанлик билан муҳокама этилди. Ҳисобот ва сайловлар мобайнида ҳозирдаёқ 100 га яқин танқидий мулоҳаза ва таклифлар амалга оширилди.

Йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда шаҳар партия комитетларининг секретарлари ва аъзолари, партия аппарати ходимлари иштирок этмоқдалар.

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН

МОСКВА. Бугун бу ерда А. Карпов — Г. Каспаров матчининг навбатдаги саккизинчи партияси ўйналади. Оқ доналар билан чемпионликка даъвогар ўйнайди. Ҳозирча матчда ҳисоб 3:0 А. Карповнинг фойдасига.

ВОЛГОГРАД. М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг кеча бу ерда ўйналган саккизинчи партияси 41-юришда кечиктирилди. Қора доналар билан ўйнаган И. Левитина позицион устунликка эга. Ҳозирча матчда ҳисоб тенг — 3,5:3,5.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида саноат роботларини унификациялаш ва стандартлаштириш масалалари бўйича Бутуниттифоқ конференцияси очилди. Уни СССР «Госстандарт»и, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Илмий-техника жамияти правлениеси ташкил этган. Конференция иттифоқдош республикалар Фанлар академиялари, Давлат махсус конструкторлик бюролари, шунингдек йирик саноат корхоналари ва ташкилотларининг олимлари ва мутахассисларида, конструкторларида катта қизиқиш уйғотди. Конференция ишида 350 дан зиёд Москва, Ленинград, Киев, Минск, СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлими олимлари иштирок этишмоқда. Уч кун мобайнида бу ерда 200 дан зиёд доклад тингланади.

Ўзбекистонда робот техника восталарини яратиш соҳасида маълум тажриба тўпланган. Шунинг учун ҳам мазкур мавзудаги Бутуниттифоқ анжуманлари қаторасига уч йилдан бери шаҳримизда ўтказилмоқда.

ОБ-ҲАВО

▲ Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 18 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 6—8, эртага кундузи 23—25 даража иссиқ бўлади.

• Комсомол турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ҲАР БИР ЙИГИТ ВА ҚИЗ ТУШУНИБ ЕТСИН

Шаҳар корхона ва муассасалари комсомол ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ниҳоясига етмоқда. 1187 комсомол группасида, бошланғич ташкилот ҳуқуқидаги 11537 цех комсомол ташкилотларида йиғилишлар уюшқоқлик, ишчанлик, принципиал танқид ва ўзўзини танқид, ўзаро талабчанлик вазнятида ўтди. Ҳисобот ва сайловлар мобайнида комсомоллар билдирган танқидий мулоҳаза, таклифлар йигит ва қизларнинг снёсий-хўжалик ва социал-маданий масалаларни ҳал этишдаги активлигини оширишга ёрдам берди.

Ҳисобот ва сайловлар мобайнида қимматли ташаббуслар майдонга келди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг А. Бобожонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ўз составига Совет Иттифоқи Қаҳрамони Виктор Талалихинни қўшди. Иш ҳақи эса Тинчлик фондига ўтказилади. «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-цехида Ғ. Носиров бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси йиллик топшириқни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача бажаришга, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг З. Васильева етакчилик қилаётган бригадаси эса республика юбилейи шарафига 60 зарбдор смена уюштиришга аҳд қилди.

Шу кунларда шаҳарнинг йирик корхоналари ва олий ўқув юртлари бошланғич комсомол ташкилотларида сўнгги ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида конкрет вазифа қўйилди, яъни ёшлар замонавий билимларни эгаллаганлари ҳолда бунёдкорлик ишларида, иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда актив қатнашишлари керак.

Институтимиз комсомоллари конференцияга қандай ютуқлар билан келишди?

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти комсомол комитетининг секретари П. Чебаевский докладида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ҳозирги конференция Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини, совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик даврида ўтмоқда.

Маълумки, студентнинг асосий меҳнати — ўқиш. Кейинги икки сессия якунлари бўйича саноат-граждан қурилиши факультетининг комсомоллари ўқишда яхши натижаларга эришдилар. Улар биринчи бўлимни эгаллашди. Қурилиш факультети иккинчи ўринда бормоқда.

Институтнинг вазифаси фақат юқори малакали мутахассис тайёрлашдангина иборат бўлиб қолмай, балки ишлаб чиқариш ташкилотчилари, етакчиларини ҳам тайёрлашдир. Бунда студент-қурилиш отрядлари катта роль ўйнайди. Бироқ бизда бу борада жиддий нуқсонлар бор. Студент-қурилиш отрядларини тузаётган пайтда Совет Армияси сафига жўнаб кетадиган студентлар аниқ ҳисобга олинмаётир. Бунинг натижасида отрядни тузиш чўзилиб кетяпти. Отрядларнинг командирлари ва комиссарлари ҳамиша ҳам шунга муносиб ёшлар эмас. Бундай лавозимга институт ўқитувчилари ва ходимлари бўлган комсомол ёки ёш коммунистларни тайинлаш тўғрироқ бўлур эди.

Бу йилги учинчи меҳнат семестрида шаҳардаги «Ровесник», «Мираж», «Архимед» отрядлари яхши ишлади. «Проводниклар» отряди ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Айни пайтда «Путеец» отрядида меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмади. Отряд командири А. Рўзиметов коллективни жипслаштира олмади.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш системасида студентларнинг илмий-тадқиқот ишлари мустаҳкам ўрин олмоқда. Бу иш комплекс план асосида олиб бориляпти. Институт комсомоллари хўжалик шартномалари тузиш, студент-конструкторлик бюролари ва бошқа ишларда фаоллик кўрсатмоқдалар. Ҳар йили ишлаб чиқариш практикаси якунларига кўра ўтказилаётган илмий техника конференцияси қатнашчиларининг сони ошиб боряпти. Афсуски, кўпинча конференцияда фақат қўшимча докладчи ва унинг оппонентлари қатнашяпти, холос. Хуллас, студентларни конструкторлик бюролари, хўжалик шартномалари тузиш ишига янада кенгроқ жалб этиш, студентлар илмий жамияти тўгаракларини ишини кенгроқ пропаганда қилиш керак.

Ёшларни комплекс тарбиялаш вазифаси В. И. Ленин назарий меросини оммавий ўрганишни, ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий сиёсий активлигини оширишни тақозо этмоқда. Ленинча синовлар бу борада муҳим форма бўлиб қолди. Бизда ленинча синовларни ўтказиш бўйича муайян тажриба ҳосил бўлди. Ў яхши самара беряпти. Масалан, илмий коммунизм бўйича давлат имтиҳонидан баҳолар мунтазам юқори бўляпти. Қўпчилик комсомоллар билимларни пухта эгалланганликларини кўрсатдилар. Бироқ, бу борада ҳам нуқсонлар бор. Бу йил фақатгина инженерлик-иқтисод факультетидагина ленинча синов ўз вақтида ўтди, холос.

Ўқув группаларининг комсомол ташкилотлари ижтимоий-сиёсий аттестацияни ўтказиш пайтида комсомолларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришига баҳо беришда принципиал ёндошишлари керак. Токи, шахсий комплекс планлар шахсни ҳар томонлама ривожлантириш программаси бўлиб қолсин.

Конференцияда делегатлардан — қурилиш факультети студентлар комитети райисининг ўринбосари В. Купцова, УПП факультетининг комсомол бюроси секретари Н. Абдулахиров, институт «Комсомол прожектори»нинг раиси И. Аминова ва бошқа комсомоллар сўзга чиқдилар.

Улар группалар ўртасида социалистик мусобақа бўш ташкил этилганини, интизомни мустаҳкамлаш учун етарлича иш олиб борилмаётганлигини таъкидладилар. Студентларнинг ўзлаштириши бўш назорат қилинмоқда. «Комсомол прожектори» рейдларининг самараси унчалик сезилмаётир.

Ҳисобот-сайлов конференциясида студентлар советларининг ишларини такомиллаштириш масаласи кўтарилди. 5-ва 2-ётоқхоналарнинг студентлар советлари яхши ишлаяпти. Бироқ, 3-ётоқхонадаги аҳвол ташвишга солмоқда. Бу ётоқхонанинг студентлар совети ҳанузгача ўз иш планига эга эмас.

Делегатлар оператив комсомол отрядининг актив иш олиб бораётганлигини таъкидладилар. Унинг аъзолари балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси учётида турган ўсмирлар билан яхши иш олиб боряпти.

Комсомол комитетининг ҳисобот даврида олиб борган иши ва бутун комсомол ташкилотининг ишларини таҳлил этиб, делегатлар ҳар бир комсомол группасининг ишини, студентлар илмий жамияти, «Комсомол прожектори» ишини активлаштириш бўйича конкрет тадбирлар белгиланган қарор қабул қилишди.

Комсомол комитетининг янги составига ишларнинг форма ва методларини такомиллаштириш, комсомоллар ташаббуси ва ижодига таяниб иш олиб бориш таклиф этилди.

М. ОЙСТРАХ.



Шаҳримиздаги «Ташсельмаш» заводининг илғор слесарь-йиғувчиси комсомол аъзоси Д. Қобулов терим агрегатлари монтажини муваффақият билан бажариб, ойлик топшириқларини 130 процентга етказиб уддалашга эришяпти. Меҳнат илғорн республика юбилейини юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга бел боғлади.

СУРАТДА: Д. Қобулов.

М. Нуриддинов фотоси.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА— КЕНГ ЙЎЛ

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Чарм-галантерея ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмасида тез медицина ёрдами машиналари учун биринчи марта махсус санитария сумкалари ишлаб чиқарила бошланди. Бу сумкалар «ОЗ» деб аталади. Мамлакатда биророрта корхона бундай буюм ишлаб чиқармас эди. Тошкент бирлашмаси адресига бундай маҳсулот тайёрлаб бериш юзасидан иттифоқдош республикаларнинг турли шаҳарларидан буюртмалар олинди. Шу ойнинг ўзида янги маҳсулотдан 400 донаси ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари корхонада янги технологияда транспорт аптечкалари ҳам тайёрлаб чиқарилмоқда.

●

«Ташхимсельмаш» заводининг халқ истеъмол моллари тайёрлаш участкасида пляж соябонининг дастлабки намунаси ишлаб чиқарилди. Корхона яқин вақтлар ичида бу маҳсулотни махсус поток линияда кўплаб ишлаб чиқаришга киришади.

Бундай соябонлар денгиз ёки кўл қирғоғида дам оладиган ишқибозлар ва туристларга муносиб совғадир. У осон йиғилади ва ихчам ғилофда жойлашади. Шу участкада ишлаб чиқариш чиқиндисидан хўжалик сумкаларини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилмоқда.

●

Тошкент миллий музика асбоблари экспериментал фабрикасида қозоқ дўмбирасининг овози янгради. Корхонанинг бу янги маҳсулоти келгуси ойдан бошлаб кўплаб ишлаб чиқарилади.

Корхонада қардош республикалар учун «куйловчи ёғоч»дан буюмлар тайёрлаш анъанага айланмоқда. Ҳозирда бу ерда туркман, қорақалпоқ ва озар миллий музика асбобларининг бир неча хили тайёрлаб чиқарилмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ИНТЕРХИМ» МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН. Кичик тоннажли химия соҳасида социалистик мамлакатларнинг халқаро ташкилоти — «Интерхим» мутахассислари 400 турдан кўпроқ химиявий маҳсулот, шунингдек шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кўп миқдорда машина ва ускуналар тайёрлаб чиқардилар. Бу ташкилотга Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва Югославия киради. Ун беш йил муқаддам ташкил қилинган «Интерхим» буюмлари жаҳон бозорида ғоят мазмур бўлмоқда, қардош давлатлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг фойдаланилмоқда. Улар — синтетик бўёқлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, тўқимачилик, кўн ва қоғоз саноатида қўлланилаётган полимерлар учун қўшимчалардир.

Ташкилотнинг қароргоҳи Галледа жойлашган. Бу ердаги йирик химия корхоналарида— Вальтер Ульбрихт номли комбинатда, «Буна» синтетик каучук заводида, Биттерфельддаги электрохимия комбинатида мутахассислар химиявий буюмларнинг янги турларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар, маҳсулотни биргаликда ишлаб чиқаришни режалаштирадилар. «Интерхим» билан тузилган шартномалар асосида қардош мамлакатларнинг илмий институтлари кичик химия соҳасида бир қанча тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. «Интерхим» ташкил этилганидан буён ўтган йиллар мобайнида кичик тоннажли химия соҳасида социалистик мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайди.

ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН ЎЛКА

ХОШИМИН. Бу ерда Марказий ясси тоғлик вилоятини «Вьетнамнинг томи» деб атайдилар. Мамлакатнинг тоғлик районларида табиий бойлик жуда кўп, қишлоқ хўжалигини, ўрмончиликни ривожлантириш, қимматли техника экинлари — гевея, кофе, чой етиштиришни кўпайтириш учун кенг имкониятлар мавжуддир. Аммо халқ ҳокимияти ўрнатилгунига қадар ана шу тоғлик ўлканинг жуда катта иқтисодий потенциалидан фойдаланилмади, ҳар йили неча ўн минглаб киши очлик ва касаллик азобидан ўлиб кетар эди. Булар асосан шу ерда яшовчи майда миллатларнинг вакиллари бўлиб, мустамлакачи маъмурлар уларга нисбатан машъум «бўлиб ол ва ҳукмронлик қил» сиёсатини ўтказиб келган эдилар.

Вьетнамнинг жанубий қисми озод қилиниши билан Марказий ясси тоғлик вилоятларида халқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолининг турмушини яхшилашдан иборат кенг программани амалга ошириш бошланди. Вьетнамдаги қўриқ ерлар изчиллик ва собитқадамлик билан ўзлаштирилмоқда. Қисқа вақт ичида бу районнинг иқтисодий харитасида неча юзлаб янги аҳоли пунктлари вужудга келди. Аҳоли зич яшайдиган текис вилоятлардан кўчиб келган кўнгиллилар шу пунктларда жойлашиб олдилар.



СССР — ГДР кемасозлик корхоналарининг асосий буюртмачиси ҳисобланади. Икки қардош мамлакат мутахассисларининг биргаликдаги кучғайрати билан кемаларнинг янги турлари яратилмоқда, технология жараёнлари такомиллаштирилаяпти.

Варнемюнддаги (Росток округи) «Варнов-верфт» верфида СССР учун турли мақсадларга мўлжалланган 130 дан знёд кемалар қурилган.

СУРАТДА: республиканинг энг йирик кемасозлик корхонаси стапелларининг кўриниши.

С. Горский фотоси, (ТАСС).

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Братиславада очилган махсус кўргазмада совет электрон саноатининг 40 та экспонати намойиш қилинмоқда. Булар — Совет Иттифоқининг «Машиноинторг» экспорт ташкилоти 1985 йилда ЧССРга етказиб бераётган молларнинг намуналари, шу жумладан «Рубин Ц—260 Д» рангли телевизорлар, «Ц—440 Д», «Юность Ц—440» ихчам телевизорлар, «Эстония 010» стереопроигрывателлар, соатли чўнтак радиоприёмниклари ва бошқа моллардир.

* * *

ПАРИЖ. «Рено» автомобиль компаниясининг Бордо, Клеондаги, Парижнинг саноат зонасидаги ва Франциянинг бир қанча бошқа шаҳарларидаги заводларида станоклар тўхтаб қолди. Мамлакат касаба союзларининг даъвати билан корхоналарнинг меҳнаткашлари «Рено» компанияси маъмуриятининг ишчилар иш ҳақини анча камайтириш режаларига қарши ҳаракат кунини ўтказдилар.

«Рено» меҳнаткашларининг ҳаракатини Франция Компартияси мамлакатнинг кенг демократик жамоатчилиги астойдил қўллаб-қувватлади. ФКП Марказий Комитетининг Бош секретари Жорж Марше Франция коммунистлари автомобилсозлик саноатини «реконструкция қилиш» ҳукумат режалари қайта кўриб чиқилишига эришишга қатъий қарор берганлигини таъкидлади. Ҳукуматнинг бундай режалари ўн минглаб ишчи ва хизматчиларни қашшоқликда яшашга маҳкум этади.

* * *

ЛОНДОН. Шимолий Ирландиядаги катталиги жиҳатидан иккинчи бўлган Дерри шаҳрида Ольстер жамоатчилигининг Лондон мустамлакачилик снёсатига қарши стихияли норозилик ғалаёнлари бошланди. Англиянинг «хавфсизлик кучлари» намойишчиларга қарши пластик ўқларни яна ишлатдилар. Шаҳарда кескин вазият сақланиб қолмоқда. Тиш-тирноғигача қуролланган полициячилар ва солдатлар Дерри шаҳрининг католиклар яшайдиган кварталларида соқчилик қилиб юрибдилар.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахти билан Бенарес ўртасидаги йўлдаги поездлар ва бевосита телефон алоқаси ўрнатилди. Шу йўналишдаги биринчи поезд ҳаракатини Ҳиндистон Республикаси Президенти Зайл Сингх ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Раджив Ганди бошқарди. Ҳиндистон ва Бенарес ўртасида йўлдаги масофа 800 километрдан ортиқ. Поезд ҳаракатининг биринчи кунида 1000 дан ортиқ йўловчи Бенарес ва Деҳли ўртасида алоқа ўрнатилганлиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимларда қатнашди.

* * *

ЛАОС. Ўтган ҳафта Лаос Халқ Демократик Республикаси министрининг Раҳбарлар Кенгаши раиси проблемалари бўйича Ўзбекистонга келган ҳамда ҳал этишнинг бир тўғри йўлини деди С. Ширтиқат Лаос Халқ Демократик Республикаси министрининг Раҳбарлар Кенгаши раиси проблемалари бўйича Ўзбекистонга келган ҳамда ҳал этишнинг бир тўғри йўлини деди С. Ширтиқат ва тай халқлари ва фаатларига мос Жанубий-Гарбий Осиё тинчлик ва барқарорлигини мустаҳкамлаш маклашган бўлур деб уқтириб ўтди.

Виждонга хилоф равишда

• Партиявий талабчанлик билан

Шаҳримизда йилдан йилга турар жой қурилиши ҳажми ортиб, квартираларнинг планировкаси яхшиланиб боряпти. Бу партия ва ҳукуматимиз совет меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини ошириш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлидаги кўрсатаётган ғамхўрликларидан яна бир далолатдир. Лекин ҳозирча, маълумки, квартираларга бўлган эҳтиёж турар жой қурилиши суръатидан юқори. Шу боисдан Тошкентда ҳар бир квадрат метр турар жой майдонини ҳисобга олишга ва муҳтож кишиларга адолатли тақсимлашга ҳаракат қилиняпти.

Афсуски, фақат ўз эҳтиёжларини қондиришни ҳаётнинг мақсади қилиб олган ва шахсий фаровонлик йўлида жамият манфаатларини поймол қиладиган кишилар ҳамон орамизда учраб туради.

Ушбу воқеа шаҳар партия комитети қошидаги партия комиссияси аъзолари бир масалани текшираётганда бирдан юзага қалқиб чиқиб қолди...

Маълум бўлишича, кўп йиллардирки, «Марказ—15» кварталидаги 3-уйда уч хонали 19-квартира бўшаб ётган экан. Бу ерга газ аппаратураларни заводининг собиқ директори Ҳусниддин Мансуров, унинг рафиқаси ва уч ўғли прописка қилинган.

Эҳтимол, улар бирон бир фалокатга йўлиқишгандир ва шошилинч ёрдам зарурдир! Йўқ, ундай эмас. Ҳ. Мансуров иши ўнгидан келмаган одамга ҳеч ўхшамайди. Техник инвентаризация бюроси ходимлари ўтказган текширишда шу нарса аниқландики, Ҳ. Мансуров бу йиллар мобайнида Киров районининг Золотарев кўчасидаги 15-уйда — ўз уйида яшаган экан. Ушбу уй юридик жиҳатдан унинг отаси Мансур Пўлатовга қарашлидир. У эса 1976 йилда вафот этган.

Бу ҳовлини кўриб оғзингиз очилади. 341 квадрат метр майдонда жойлашган ҳовли 54 квадрат метрдан ортиқ турар жой майдони бўлган уйдан, коридордан, икки айвон, ертўла ва ҳаммомдан иборат. 1977 йилда ёзги ошхона ва икки омборхонани ҳам Ҳ. Мансуров турар жой хонасига, икки айвон ва ошхонага айлантирган. Шундай қилиб, ёрдамчи бинолари ҳам бўлган икки уйнинг умумий фойдали майдони 146 квадрат метрдан ортиқ. У бир оила учун чакки эмас! Ким шундай жойни ташлаб бориб микрорайондаги бетондан қурилган уйда яшарди!

Айни пайтда Ҳ. Мансуров ҳар эҳтимолга қарши ўн йилдан ортиқ уч хонали квартирани банд қилиб турган. Октябрь районидаги 64-турар жойлардан фойдаланиш участкаси эса бунн била туриб, фақат қоғозбозлик қилиш билангина чекланган ва огоҳлантириш маъносида квартиранн муҳрлаб қўйган. Лекин квартиранни кўрганн келган Ҳ. Мансуровнинг ўғиллари эса муҳрни бемалол олиб, огоҳлантириш хатини ахлат қутисига ташлешган.

Қизиғи шундаки, Октябрь район Совети ижроия комитети ходимлари шунча йил бу нохуш фактни билиб-билмасликка олишди ва, республикада турар жой кодексини бузувчига нисбатан ҳеч бир чора кўришмадн.

Киров район партия ташкилоти, афтидан, кадрларни танлаш ва тарбиялаш масаласига ҳамиша ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, область ва шаҳар партия комитетлари пленумлари талаблари асосида ёндошаяпти, деймн қийинга ўхшайди. Ҳозир республика енгил саноат министрлигининг «Узглавлегснабсбит» махсус базасида директор бўлиб ишлаётган КПСС аъзоси Ҳ. Мансуров коммунист номига доғ бўлган ўз хулқи билан қандай ибрат бўлишини тасаввур этмш қийин эмас.

Шу муносабат билан Ҳ. Мансуровнинг подъездлари ён қўшнисн, Куйбишев район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари И. Баҳромовни ҳам эслаб ўтиш лозим. КПСС аъзоси бўлган, илгари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг турар жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқармасн бошлиғи бўлиб ишлаган бу одам Тошкентда турар жой масаласини аъло даражада билади.

Бироқ И. Баҳромов коммунист-раҳбар вижонига хилоф иш қилиб, қонунга зид равишда квартираини эгаллаб турганлик фактини кўп йиллар яшириб келди.

Узбекистон Компартияси шаҳар комитети бюроси қарори билан Киров район партия комитетига КПСС Уставига мувофиқ КПСС аъзоси Ҳ. Мансуровнинг партиявий масъулиятини қараб чиқиш ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига эса Ҳ. Мансуровга берилган квартира ордерини бекор қилиб, унн муҳтож бўлганларга бериш кўрсатиб ўтилди.

Ю. ПУТИНЦЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети қошидаги партия комиссиясн аъзоси.

В. СЕРГЕЕВ,
«Тошкент оқшоми» газетаси мухбири.

Фотокалейдоскоп



Одатдан ташқари велосипедда кетаётган бу «команда» беш эркак ва бир аёлдан иборат. Аммо бу ўринда гап тезлнда ёни узоқ масофага пойгада рекорд қўйиш ҳақида кетаётгани йўқ. Улар миокард инфарктидан сўнг соғлиғини тиклаётган кишилар. Улар — Ангермюнд (Одердаги Франкфурт округи) реабилитация марказининг беморларидир.

АДН—ТАСС фотоси.

ИЖОДИЙ ЁНДОШУВ

БУДАПЕШТ. Венгрияда «Шкала-кооп» фирмасининг универсал магазинлари харидорларга ғоят мазмур бўлмоқда. Бугунги кунда фирманинг кўкқизил эмблемасини республиканинг 64 та шаҳрида учратиш мумкин.

Бирлашма партия ташкилотининг секретари Т. Сердахен ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: биз ўз ишимизда харидорлар талабини ўрганишга, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ва савдо-сотиқни ташкил этишда янги ечимларни қидириб топишга асосий эътибор берямиз. «Шкала-кооп» фирмаси таклиф қилаётган моллар тури жуда кўп. Булар озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб узоқ вақт фойдаланиладиган буюмлардан иборатдир. Ҳар бир универмагда маълум ассортимент устахонаси болаларни сейр қилдиради группалар тажрибали тарбиячилар қаровида бўлади. Ота-оналарнинг сотилаётган маҳсулотга қарши эътирозлари ҳисобга олинади. Ишимизни такомиллаштиришда бизнинг дўст мамлакатларимиз савдо фирмаларидан ҳамкорлик ишларига ва аввало Ҳиндистон ва Ҳамкорлик алоқа министрлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорликка асосланиб иш олиб боришга ҳаракат қилиш керак деб таъкидлади Т. Сердахен.

• Хат босилмади, аммо чора кўрилди

«ЭНГ МУҲИМИНИ УНУТИШДИ»

Газетанинг шу йил 27 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган хатларга обзорда Л. Можаевнинг шикояти ҳам келтирилган эди. У Юнусобод бозоридаги устахона «Луч» соатини топшириб, 3,5 ойдан бери уни қайтарнб ололмаётган эди. Мастер эса қўпол муомалада бўлган.

Газета мақоласига «Техсложбытприбор» республика саноат бирлашмаси директори А. Азимов берган жавобда айтилишича, текшириш пайтида фактлар тасдиқланди. Бирлашма бўйнча 10 августда чиқарилган буйруқ билан шу устахона қабул қилувчиси И. Хаммовга қаттиқ вигговор эълон қилинди. Буюртмачи билан қўпол муомала бўлгани учун 24-бўлим соат устаси шогирди И. Мамедляевга ҳам қаттиқ вигговор эълон қилинди. У эндиликда бўлимдан поток цехига ишга ўтказилди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

3 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

РЕДАКЦИЯДАН: газетамизга келаётган хат-хабарлар шундан гувоҳлик беряптики, Тошкентда турар жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш масаласида ҳали талайгина муаммолар бор. Маълумки, сўнгги пайтларда ва айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг кўпгина соҳаларда, шу жумладан квартира масаласида бир қатор жиддий нуқсонлар аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйнча тадбирлар белгиланди. Республика енгил саноат министрлигининг «Узглавлегснабсбит» махсус базаси директори Ҳ. Мансуров билан бўлган воқеа бунга яққол мисол бўла олади. Ҳаётимизда бундай ҳодисаларга ўрин бўлмаслиги керак. Газета ўз вақтида бу мавзуда бир неча марта чиқиш қилди. Жумладан, 1983 йилнинг 10 октябрида «Қоғоз қалқон ортида» мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда бўш ётган квартиранн ҳисобга олмаган Акмал Икромов район ижроия комитети, районлардаги ташкилотларн устидан етарлн назорат ўрнатмаган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг турар жой майдонларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқармаси (бошлиғи В. И. Смотров) таниқид қилинган эди.

Шаҳар квартиралар бошқармасидан олинган жавобда бундан буён бундай нуқсонларга йўл қўйилмайди, деб аниқ ва равшан қилиб айтилганди. Маълум бўлишича, бундай нуқсонлар ҳамон содир бўляпти. Газетхон Е. Шатлованнинг мактуби бундан гувоҳлик беряпти. «Бир неча йилдирки, бизнинг 17 кишилик онламиз битта уч хонали секцияда яшаяпти, деб ёзади у. — Бу борада биз квартира шароитимизни яхшилаш бўйнча Чилонзор район ижроия комитетига кўп мартаб мурожаат қилдик. Лекин ҳеч бир натижа чиқмади...»

Шаҳримизда катта ҳажмда турар жой қурилиши амалга оширилаяпти. Ҳар йили 1 миллион квадрат метрга яқин турар жой фойдаланишга топширилаяпти. Бунда партия ва ҳукуматимизнинг совет кишиларининг турар жой ва турмуш шароитларини яхшилаш бўйнча ғамхўрлигнни ҳис этиш мумкин.

Лекин редакциямизга келаётган мактублар айрим район ижроия комитетларида квартиралар тақсимотида тартибсизликлар юз бераётганлигидан, раҳбарлар меҳнаткашларнинг ёмон турмуш шароити бўйнча шикоятларга бефарқ қараётганликларидан гувоҳлик беряпти. Биз шаҳарда ҳали талайгина бўш квартиралар бор ва бундай ҳоллар билан муроса қилолмаймиз, деб ўйлаймиз. Яна ўша Ҳ. Мансуровни олайлик. КПСС аъзоси бўлган масъул ходим қандай қилиб данғиллама ҳовлини бўла турнб, уч хонали шинам квартиранн ўн йилдан ортиқ қўлда сақлаб келган экан? Айни пайтда эса Е. Шатлова сингарилар тиқилиб яшашяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари барчамизга, шу жумладан, шаҳардаги район ижроия комитетлари квартира бўлимн ходимлари, шунингдек квартира тақсимлаш ва ҳисоб-китоб қилишга даҳлдор бўлган бошқа ходимлар зиммасига бўш квартираларга муносабатда тартиб ўрнатиш мажбуриятнни юклайди. «Бир жойда шилиқ-шилиқ, иккинчи жойда қуруқчилик» сингари ярамас системага барҳам бериш керак.

Саломатлик
ҳақида суҳбатлар

ҲАШАРЧИ-ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Азиз тошкентликлар «оқ олтин» далаларида пахтакорларга улкан хирмонни бунёд этишда фидокорлик кўрсатиб ёрдам бермоқдалар. Меҳнат уларнинг сиҳат-саломатлигига яна бардамлик бағишлайди. Ушбу «Саломатлик ҳақида суҳбатлар» подборкамизни шаҳарлик ҳашарчилар учун тайёрладик.

ДАЛА ШАРОИТИДА ЯШАГАНДА...

• Врач маслаҳати

Инсон гўзалликни, озодаликни, ораста-ликни севади. Шаҳар шароитида озода кийиниш, ораста бўлиб юриш, ҳамма нарсани саранжом-саришта тутиш учун барча қулайликлар бор. Хўш, қишлоқ шароитида-чи? Ҳозирги пайтда қишлоқларимизда маданий турмуш тарзи ғоят яхшиланиб бормоқда. Аввало, меҳнат майдони — пахтазорлар, мевали боғ-роғлар, ўтлоқлар, қир-адирлар гўзаллиги, озодалиги билан ҳар биримизни мафтун этади.

Шаҳримиздаги минглаб корхоналардан, илм-фан муассасаларидан, институт ва мактаблардан шу кунларда азамат ҳашарчилар пахтазорларда мардона меҳнат қилишмоқда. Уларнинг сиҳат-саломатлигини, бардам-бакамол меҳнат қилишларини минглаб медицина ходимлари назорат қилиб турибди.

Ҳар бир ҳашарчи одатдагидек санитария-гигиена қоидаларига амал қилиши, кийинишда, овқатланиш, ётиш-туришда, меҳнат қилишда, дам олишда маълум режимга амал қилиши лозим.

Ҳашарчилар ўзлари яшайдиган хонанинг ва ҳовли-жойнинг тоза бўлишига алоҳида аҳамият беришлари лозим. Ҳар куни кечқурун ва эрталаб бир зум уй-жой супуриб-сидирилса, ҳаммаси саранжом-саришта бўлади. Етадиган ўринлар озода, оқ сурп солинган сариштa бўлса, кундузги теримдан кейин ҳашарчи роҳат қилиб ухлайди. Эрталаб туриш билан ўринкўрпани тартибли йиғиштириб қўйиш керак. Шунда унга чанг-ғубор тушмайди.

Кун бўйи бардам юриш учун эрталаб бадан тарбия қилиш, сўнг яхшилаб ювиниб, сифатли нонушта қилиш керак.

Ҳашарчилар турмуш ва шахсий гигиенага алоҳида эътибор беришлари лозим. Эрталаб ювинганда юз-қўлни, оғиз бўшлиғини яхшилаб тозалаш керак. Айниқса, ички кийим-кечакларни, пойафзални, сочиқ ва бошқа керакли буюмларни озода, саранжом-саришта сақлашни унутманг.

Турар жойда ва унинг атрофларида овқат қолдиқлари, турли ахлат-чиқиндилар тўпланиб, ёйилиб етмасин, акс ҳолда пашша каби зараркунанда ҳашаротлар кўпайиб, улар ҳар хил касалликларни тарқатади. Турар жой ҳамда ошхона ва ҳожатхоналарни доим тоза ва озода сақлаш, даладаги қизғин меҳнатдан кейин одам қўнғил ёзиб, яхши ҳордиқ чиқаради.

Кир ювиладиган, чўмилиб-ювиладиган ва, идиш-товоқлар тозаланадиган жойлар алоҳида бўлиши, бунда озодаликка, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиниши лозим.

Ҳашарчилар яшайдиган пунктлар яхши сифатли сув билан таъминланиши шарт. Ариқ-анҳор сувларида ҳар хил касалликлар, чунончи қорин тифи, ичбуруғи ва бошқа хасталикларни қўзғатувчи микроблар бўлиши мумкин. Шунга кўра, сув билан таъминланиладиган манбаларни ҳамма ерда санитария ходимлари танлашади, улар сув манбаига санитария характеристикаси беришади ва ундаги сувнинг сифатини аниқлаб кўришади. Кўл, дарё, анҳор каби сув ҳавзаларида, уларнинг қайси қисмида чўмилиши мумкинлиги қатъий ва аниқ белгилаб ёзиб қўйилиши керак. Ҳашарчиларга шифобахш шийпонларида, штабда доим иссиқ чой, яхна чой, иложи бўлса компотлар тайёрлаб қўйиш лозим.

Пахтазорларда эртадан кечга қадар меҳнат қилиш осон эмас, албатта. Яхши меҳнат қилган одам яхши овқатланади, таомни иштаҳа билан ейди. Шундай экан, ҳашарчиларнинг овқатланиш гигиенасига алоҳида эътибор қилиш лозим. Гигиена жиҳатдан тўғри овқатланиш кишининг саломатлигини сақлашга ва касалликларнинг олдини олишга имкон беради. Овқат тўғри овқатланиш кишининг саломатлигини сақлашга ва касалликларнинг олдини олишга имкон беради. Овқат ҳашарчилар организмининг ҳамма эҳтиёжини қондирадиган, меҳнат шароитларига мос келадиган бўлсин. Дала шароитида турли сабзавотлардан, мева-чевалардан сифатли, рангбаранг овқатлар тайёрлаш имкониятлари бор.

Ҳашарчиларга овқат тайёрловчи пазанда-ошпаз албатта медицина кўригидан ўтган, озодаликка қатъий риоя қиладиган, ҳалол ва тадбиркор одам бўлиши керак. Овқат тайёрланадиган жой ниҳоятда баҳаво, кунгай, тоза бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Пахтазорларда минглаб медик ходимлар «оқ олтин» териш билан бирга, қишлоқ аҳолиси ва шаҳарлик ҳашарчиларнинг сиҳат-саломатлигини доим муҳофаза этадилар. Санитария ходимлари қишлоқ жойларда гигиенанинг яхши бўлишини таъминлайдилар, озодаликни, сиҳат-саломат бўлиш омилларини тарғиб қиладилар.

Т. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти директори, медицина фанлари доктори.

• Буни ҳамма билиши керак

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Тошкент мактабларининг тўққизинчи синф ўқувчилари пахта теримида қатнашишлари қувончли бўлди. Шаҳарлик ҳашарчиларнинг пахтазорларга омон-эсон, соғ-саломат ва шикастланмай етиб олишлари учун партия ва комсомол, транспорт ва давлат автоинспекцияси, медицина ва касаба союз ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, барча эҳтиёт чораларини кўришмоқда.

Йўл-транспорт травматизмидан сақланиш учун йўловчи-граждан-лар ва транспорт ходимлари ниҳоятда ҳушёр бўлишлари лозим. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларга кўпинча ҳайдовчи ва йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидасига риоя қилмаслиги, машинанинг техник жиҳатдан соз эмаслиги сабаб бўлади. Турли травматизм ва кўнгилсиз фалокатлар ана шундай эҳтиётсизлик натижасида келиб чиқади.

Пахта йиғим-терими даврида ҳар бир ҳашарчи шикастланишдан сақланиши, бунинг учун дала йўлларида, терилган «оқ олтин»ни ташишда, штабдан пахта териладиган майдонга транспортда боришда тегишли қоидаларга амал қилиш, эҳтиёт бўлиш керак.

Шаҳарлик ўқувчилар йиғим-теримда жасорат кўрсатишлари табиий, зеро уларнинг ғайрат-шижоатлари ҳам кўп урган, билакларида куч қайнаган пайт. «Оқ олтин» даласидаги меҳнат уларни яна ҳам чиниқтириб, соғлиқларини мустаҳкамлайди. Лекин шуни айтиш керакки, баъзи ўта ғайратчан йигит-қизлар меҳнатда ноўрин ҳаракат қилиб, жасорат кўрсатаман деб бирор жароҳат олишлари мумкин. Ҳар бир ўқувчи даладан хирмонга кучи етадиган ҳажмда пахта кўтариб чиқиши, яъни «мен паҳлавонман» деб бирданига 50—60 килограмм пахтани кўтармаслиги керак. Бундай оғир юк травматизмга олиб келиши, умуртқа поғонаси лат ейиши, чурра тушиши мумкин.

Ёш йигит-қизлар пахта ташийдиган тележкаларга, пахта ортилган прицеплар устига чиқмасликлари керак. Ўқувчилар билиббилмай пахта хирмонларидаги электр токи билан ишлайдиган аппаратларга, қишлоқ хўжалик машиналарига тегмасликлари ва уларни бошқармасликлари лозим.

Дала жойда шикастланиш рўй берганда тезда биринчи ёрдам кўрсатилади, сўнг амбулатория ва шифохоналарда даво чораси қилинади.

Пахта йиғим-терими-да иштирок этаётган ҳар бир киши, шу жумладан, ўқитувчи ва тарбиячилар, автоинспекция ходимлари, шофёрлар ва бошқа ҳашарчилар шикастланган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича медицина-санитария минимумини эгаллаган бўлишлари айни муддаодир.

«Оқ олтин» йиғим-теримида қатнашаётган ҳар бир киши сиҳат-саломатлигини яхши сақлаши, ён-атрофдагиларга меҳрли бўлиши, бирор кўнгилсиз воқеа юз берганда ҳамдам бўлиб, ёрдам бериши бебаҳо фазилатдир.

Т. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ортопедия ва травматология илмий текшириш институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати.

• Билиб қўйган яхши

ҲАШАРЧИЛАРНИНГ ЁН ДАФТАРИГА

Ҳашарчилар пахта йиғим-терими мавсумида озода, ораста, саранжом-саришта бўлишлари уларнинг кайфиятларини яхшилайди, сиҳат-саломатликларини муҳофаза қилади ва иш-ларни унумли бўлади. Санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш учун қуйидагиларни ёдда тутинг:

- Ҳар бир ҳашарчи ўзи билан сочиқ, тиш пастаси, тиш чўткаси, атир совуни, духи ёки одеколон, бир-икки бойлам бинт олиши лозим.
- Пахта терими пайтида юз-қўлларни овқатланишдан олдин яхшилаб совунлаб ювишни унутманг.
- Ҳафтада бир марта ҳаммомга борилиши шарт.
- Пахтазорда бўлганда, албатта бош кийим кийинг. Бош кийим сочни қуёш нуридан ва иссиқ нуридан, чанг-ғубор билан ифлосланишдан сақлайди.
- Юз терисини офтоб нуридан ва чангдан муҳофаза қилиш учун юзга вазелин, озгина озиқлантирувчи крем ёки упа суртиш фойда қилади.
- Пахта чаноғи тирноқ атрофларини тирнаб, одамни безовта қилади. Бундай ҳолда қўлга глицерин, вазелин суркаш керак.
- Пахтазор атрофларидаги оқинди ариқлардан сув ичманг. Бундай сувларда дефолиантлардан ва десикантлардан қолган заҳарли моддалар бўлиши мумкин.
- Баъзан пахтазор эгатларида бирор туп қовун ёки тарвуз учраб қолади. Бундай қовун-тарвузни еб бўлмайди, чунки у дефолиация пайтида заҳарланган бўлиши мумкин.
- Анҳор, ариқ ва булоқ сувларни тоза бўлсада, иложи борича қайнатиб ичиш керак.
- Дала шийпонларида қайноқ ва яхна чойлар ҳозирлаб қўйиш лозим.
- Қаттиқ терлаб турибяхна чойни бирдан симирманг, анҳор-ариқларга терлаб туриб бирдан чўмилишга тушманг.

• «Ўзбекфильм» павильонларида

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАР



Комил Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси экран усталари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб, кўпгина бадиий фильмлар яратишмоқда. Республикада хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати А. Қобулов томонидан экранлаштирилаётган «Ҳайкал» бадиий фильми республикамиз меҳнаткашларининг доҳиймиз В. И. Ленинга бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати ҳақида ҳикоя қилади. Асар воқеалари йигирманчи йилларда тоғ қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади. Фильм қаҳрамонлари Жонтой ва Мерган ҳамқишлоқлари топширигига кўра В. И. Ленин ҳайкалини ўрнатиш ишларига бошқош бўладилар. Улар босмачилар тўдасининг қаршиликларига қарамай ўз мақсадларини амалга оширадилар.

Фильм сценарийсини РСФСР Давлат мукофоти лауреати кинодраматург Р. Тюрин ёзган. Картинани оператор Даврон Абдуллаев суратга олмоқда. Асосий образларни «Ёш гвардия» театри актёри Карим Мирходиев ва киноактёрлар студияси артисти Жамол Ҳошимовлар яратишмоқда.

Режиссёр Мелис Абдалов раҳбарлигида яратилаётган «Келинлар қўзғолони» картинасига ёзувчи Саид Аҳмаднинг шу номли комедияси асос қилиб олинган. Республикамиз ва Ўрта Осиё театрлари томонидан кўп бор қўйилган бу асарни экранга кўчиришда фильм авторлари томошабинларнинг катта қизиқишларини ҳисобга олдилар. Албатта картинани яратишда «Келинлар қўзғолони»ни саҳналаштиришда эришилган тажрибалар ҳам кўл келмоқда. Фармонбиби ролини ажойиб санъаткор, Ўзбекистон ССР халқ артисти Турсуной Жафарова ижро этмоқда. Бошқа қатор ролларда ҳам истеъдодли актёрлар суратга тушишяпти.

Ёзувчи Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» романи асосида яратилаётган картина «Якама-якка» деб номланган. Селекционер олимлар амалга ошираётган тадқиқотлар, уларнинг бу йўлдаги кураш ва интилишлари тасвирланган фильмни режиссёр Ғиёс Шермуҳамедов суратга олмоқда. Картинага композитор Румиль Вильданов музика басталаган.

Республикамиз юбилейини янги кино асарлари билан кутиб олаётган ижодкорлар ҳам ўз ўстаралари ўтган олтмиш йил ичидаги халқимиз босиб ўтган қаҳрамонона йўл ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа бир қатор бадиий, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар ҳам яратишмоқда.

СУРАТЛА Р Д А: «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинаётган «Ҳайкал» ва «Келинлар қўзғолони» фильмларидан кадрлар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.



ПАХТАКОР ХЎЖАЛИКЛАР БЎЙЛАБ

Т. Жалилов номли Ўзбекистон Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри мавсумини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган концерт программаси билан бошлади. Программага классикларнинг, замонавий совет композиторларининг асарлари, ўзбек авторларининг янги ижодлари киритилди.

Ижодий коллектив республика шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашларини янги концерт программаси билан таништиради. Дастлабки гастроль машрутлари Тошкент области пахтакор хўжаликлари бўйлаб ўтди.

(ЎзТАГ).



Ешларимиз меҳнаткаш, фидокор. Шу кунларда улар пахта зорларда жасорат кўрсатишяпти. Тошкент Давлат университети Шарқшунослик факультетининг студентлари Оқолтин рай онидаги Усмон Юсупов номли совхозда пахта теришмоқда. СУРАТДА: (чапда) студентлар Саодат Нурилаева ва Зо ҳида Ғаффоровалар. Т. Каримов фотоси.

• Шифобахш неъматлар

СУТНИНГ ХОСИЯТИ

Сигир сути дастурхонимиздаги муҳим озиқ ҳисобланади. Сут таркибида одам организми учун зарур бўлган моддалар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар) бўлади. Бу моддалар сутда энг яхши нисбатларда бўлади ва организмга жуда енгил сингади. Бундан ташқари, сутда витаминлар, ферментлар, гормонлар, микроэлементлар ва организмнинг нормал ривожланишини таъминлайдиган бошқа моддалар мавжуд..

Сутнинг асосий оқсили — казеин ҳисобланади. У умумий оқсил миқдорининг 80 процентини ташкил этади. 20 проценти иккинчи даражали оқсилларга тўғри келади. Сутдаги оқсиллар коллоид эритмада бўлади, шу туфайли меъда-ичак йўлидаги ферментлар уларга осон таъсир қилади ва оқсилларнинг 96—98 проценти ҳазм бўлади. Табиатда бошқа бунақа маҳсулот йўқ.

Қаймоғи олинмаган сут ёки сут-қатиқ маҳсулотидан ҳар куни 0,5 литр ичилса, одамнинг оқсилга бўлган суткалик эҳтиёжининг 35 процентга яқин миқдори қопланади. Шу билан бирга, ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга организмнинг эҳтиёжи маълум даражада қондирилади, одатда бу аминокислоталар ўсимлик маҳсулотидан оқсилда етишмайди.

Сут ёғининг аҳамияти ҳам беқиёс. Уни организм осон сингдиради, унинг эриш температураси нисбатан паст (28—31 даража) ва у суюқ бўлади.

Сутда углеводлар анча-мунча, асосан лактоза — сут қанди бўлади. Озиқлик қиммати жиҳатидан у лавлаги қандидан қолишмайди, бироқ унчалик ширин бўлмайди. Сут қанди соғлом одам ичагига тушар экан, фойдали микрофлора ҳаёт фаолиятини қувватлаб туради, Бироқ, баъзи одамларнинг сутни кўтара олмасликларига лактоза сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда сут-қатиқ маҳсулотларини ичган маъқул. Бу маҳсулотларда лактоза сут-қатиқ бактериялари таъсирида бижғийди. Сут-қатиқ маҳсулотлари ичак микрофлорасини маълум даражада нормаллаштиради, чириш процессларини сусайтиради.

Минерал элементларнинг асосий қисмини кальций, фосфор, калий, натрий, магний ташкил этади.

Сигир сутида 20 дан ортиқ витаминлар мавжуд. Сут нисбатан камчил бўлган витамин B_2 (рибофлавин)нинг манбаи ҳисобланади. Сутдаги витаминларнинг миқдори мавсумга алоқадор бўлмайди ва емхашак таркиби ҳам бунга таъсир қилмайди. Чунки витаминларни ҳайвон меъдасида микроорганизмлар ишлаб чиқаради.

М. ОРИФЖОНОВА,
тайёрлаган.

• Инсон табиати

КИМ ҚАНДАЙ УХЛАЙДИ?

Француз тадқиқотчиси Пьер Давийо кишиларнинг уйқуда ётиш ҳолатларини ўрганди ва шундай хулоса чиқарди: тўшакка бағрини бериб ётадиган кишилар ўз касбидан норози, чалқанча ётиб ухловчилар эса ҳаётидан кўнгли тўқ, кучли шахслардир; кимки ғужанак бўлиб ёки ёстиқни қучоқлаб ётса, ундайлар маъюс кайфиятга мойил ва меҳрибончиликка муҳтож одамлар сирасига киради: ўта тушкун кишилар эса, бошини кўрпага ўраб ухлашар экан.

НАБОТОТ ОЛАМИДА

КИЙИКЎТ

Улкамиз тоғларининг юқори, ўрта минтақаларида, Тянь-Шань, Помир, Олой, Копеттоғ тизмаларида, денгиз сатҳидан 1200 — 3000 метр баландликда кўплаб кийикўт учрайди. Уни архарлар, кийиклар, қўй-эчкилар яхши кўриб ейишади.

Кийикўтнинг барг, гул, уруғ қисми органик кислоталарга бой бўлиб, буйракка тош йиғилиши, қон босими, юрак қон-томирлари касалликларига шифо бўлади, тоғ-ликлар кийикўтни зиравор сифатида овқатга ишлатиладилар.

ТОҒРАЙҲОН

Чотқол, Фарғона, Хисор, Зарафшон, Пскомкаби тизма тоғларда лабгулдошлар оиласига мансуб тоғрайҳон ўсимлиги кўп учрайди. Тоғрайҳоннинг хушбўй иси таомга лаззат бағишлайди. Ундан тайёрланган дамлама шарбат буйракдаги тошни эритиб юбориш хусусиятига эга. Унинг таркибида эфир мойи, кислоталар, витаминлар, микроэлементлар, ҳар хил минерал тузлар бор. Тоғрайҳон халқ табобатида ошқозон-ичак, қон томирлари ва тери-таносил касалликларига даво ҳисобланади.

ИСИРИҚ

Исириқ антибиотик ўсимлик бўлиб, тўятовондошлар оиласига мансубдир. Бу ўсимлик республикамизнинг чўл, адир, қир зоналарида кўплаб учрайди.

Исириқнинг таркибида турли дори-дармонли алкалоидлар бор. Шунинг учун халқимиз атрофдаги муҳитни, уй-жойни, кийим-кечакларни зарарли микроблардан ва турли ҳашаротлардан муҳофаза қилишда исириқдан кенг фойдаланади. Абу Али ибн Сино турли юқумли касалликларни даволашда уни кенг қўллаган. Ҳозирда исириқдан сил, грипп, шамоллаш, томоқ оғриғи, оғиз бўшлиғи касалликларида фойдаланилади.

ЖАВЗИБОБО

Бу ажойиб дарахт 1521 йили Моллу оролидан топилган. Илмий медицинада уни муристика машата деб аталади.

Жавзибобонинг меваси ғоят шифобахш бўлиб, ошқозон-ичак ва юрак қон-томирлари касалликларига, шифо бўладн. Унинг таркибида 31 процент мой, 8 процент эфир мойи, 5,2 процент азотли моддалар, 29,9 процент углеводлар, 6,8 процент клетчатказлар бор.

Жавзибободан фойдаланганда шифокор билан маслаҳатлашиш, уни меъёрда ва ўринли ишлатиш керак.

М. ТЎЙЧИЕВ,
олим ва табиатшунос.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

ГРЕЛКАДАН ФОЙДАЛАНГАНДА

Грелкадан фойдаланиш лозим бўлиб қолса, ичига солинган сув тез совумасин десангиз ярим ёки бир чой қошиқ миқдорда ош тузи қўшинг. Қўйилаётган грелка юқа ипли лунги билан ўралган бўлса, грелканинг иссиқлиги сақланиши билан бирга, танага хушёқиб, фавқулодда қуйишдан асрайди.

МАРГАНЦОВКАНИНГ НОЗИ БОР..

Уй аптечкаси бисотида доим марганцовка бўлиши шарт. Уни нафақат зарарсизлантирувчи, дезинфекцияловчи тарафларидан ташқари, уринган қолган гўштларни согломлаштиришда асқотадиган омил сифатида фойдаланамиз.

Мабодо марганцовкадан эритма тайёрламоқчи бўлсангиз қуйидагиларга эътибор беринг: марганцовка эритмасини асло тунука, жез, мис, руҳли идишларда тайёрламаслик керак. Иложи борича шишали, сирланган ёхуд чинни идишларда тайёрлаш лозим. Шуннингдек, эритма тайёрланаётган идишлар мутлоқ тоза бўлиши керак.

ЙОД НАСТОЙКАСИНИ САҚЛАГАНДА

Фавқулодда ҳодисаларда «Беминнат дастёр» йод настойкасига «мурожаат қилишга» ўрганиб қолганмиз. Йод азиятланган жой ва жароҳатларнинг яллиғланиб газак олишидан муҳофаза этади, у асоратсиз даволанишга ёрдам беради. Йод настойкаси 5 ҳамда 10 процентли қилиб тайёрланган бўлиши мумкин. Йоднинг спиртда эрувчанлигини уйғунлаштириш учун калий йодид тузидан фойдаланилган бўлади. Йод эритмасини иложи борича жигаррангли идишларда, тиқинни жипс ёпиладиган шишада бўлгани маъқул. Йод настойкаси ёруғликдан овлоқроқ жойда сақланиши керак. Мабодо йод настойкаси оқ шишали идишларда сақланаётган бўлса, унинг устидан қора қоғоз билан ўраб қўйиш керак. Йодли идишларни мутлоқ резинали тиқинлар, қоғоз «пайтава» пробкалар билан беркитманг, булар йод таъсирида тезда емирилиб настойканинг сифатини бузиб юборади.

ТЕРМОМЕТР СИНИБ ҚОЛСА

Умуман дори-дармон, шуниингдек медицина ашёларини ниҳоятда эҳтиётқорлик билан сақлаш керак. Фавқулодда симобли термометр синиб қоладиган бўлса, сачраб кетган симоб нуқраларини қайишқоқ қоғоз, целлюлоид билан терib олиш керак. Мабодо симоб зўлдирчаси пол тирқишларига кириб қолган бўлиб, уни олишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда бир оз олтингугурт кукунини устидан сепиб қўйиш керак. Шуни айтиб ўтиш керакки, симоб буғлари инсон саломатлигининг кушандаси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам симобли буюмларга эҳтиёт бўлиш даркор.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

Тошкент оқшоми светофори

ДАВЛАТ АВТОИНСПЕКЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

«Аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситаларининг соатига кўпи билан 60 километр тезликда ҳаракатланишига рухсат этилади», —дейлади йўл ҳаракати Қоидаларининг 9,1 бандида.

Мамлакатимизнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган пойтахтимизда транспорт ва пиёдалар ғоят серқатновлиги Қоидаларнинг юқоридаги бандига сўзсиз амал қилиш зарурлигини тақозо этади. Афсуски, минглаб интизомли ҳайдовчилар билан бир қаторда тезликка ружу қўйган шахслар ҳам учраб турибди. Ўтган ҳафта шаҳримизда 56 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Буларнинг орасида тезликни ошириш туфайли юз берган кўнгилсиз ҳодисалар оз эмас.

Куюқ знёфатда роса мириқиб яйраган Тошкент область «Коопторг»ига қарашли 29-магазин мудири Ғафур Халилов уйга қайтар маҳали ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигига қарамай, «ВАЗ—2103» маркали «52—89 ТШХ» номерли автомашинасининг рулини бошқаришга ўтирди. Кайфи тарақ Ғ. Халилов шаҳар кўчаларини бўйлаб машинани белгиланган тезликдан ошириб қайдади. «Жигулиии» Навоий кўчасида ўқдай учириш яхшиликбилан тугамади. Марказий телеграф биноси рўпарасида ҳайдовчи машинани бошқара олмай қолди. Автомобиль йўл чеккасидаги дарахтга бориб урилди. 18 сентябрь куни рўй берган ана шу авария натижасида ҳайдовчининг ўзи тан жароҳати олди.

Циолковский кўчасидаги 340-уй рўпарасида рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси бундан ҳам аянчли якунланди. «Москвич— 412» маркали «Д 97—71 ТН» номерли енгил автомашина ҳайдовчиси В. Т. Должников ўз ҳаётига зомин бўлди. У автомашинани катта тезликда бошқариб бораётиб, йўлнинг чап томонига ўтиб кетди. Натижада, рўпара томондан келаётган «ГАЗ—52» автомашинаси билан тўқнашув содир бўлди. Фалокат туфайли ҳайдовчи В. Т. Должников ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлди, икки йўловчи эса оғир жароҳатланди.

Оғир оқибатлар билан тугаган бу кўнгилсиз ҳодисалар Қоидаларни назар-писанд қилмай транспорт воситасини ҳаддан зиёд тезликда бошқарувчи ва ўзининг ҳамда ўзгаларнинг ҳаётига таҳдид солувчи кимсалар учун аччиқ сабоқ бўлиши керак.

• Турфа олам

ТУЗЛИ ДАРАХТ

Хитой ўрмонзорини ўрганаётган олимлар ҳали фанга номаълум бўлган учта ноёб дарахтга дуч келишди. Улардан бири — ёғли дарахт бўлса, иккинчиси ёзнинг иссиқ кунларида танаси оқ моғорга ўхшаган нарса билан қопланиб қоладигая дарахт экан. Диққат билан текширилса, бу нарса моғор бўлмай, химик жиҳатдан айнан ош тузи бўлиб чиқди.

Учинчи хил дарахтнинг ажойиб одати бор экан. Бу дарахт япроғи ҳаво айниб, ўзгаришидан роса уч кун олдин қизариб қолар экан. Олимлар бу дарахтга «жонли барометр» деб ном беришди.

КИТЛАР ТУМОВДАН ЎЛАДИ

Ғарбий Германиянинг Бремен шаҳридаги денгизларни ўрганадиган институт олимлари баҳайбат китлар нега ўзларини қуруқликка отиб ҳалок бўлишини аниқладилар. Маълум бўлишича, бунга сабаб, китлар тумов бўлиб нафас олиш йўллари бекилиб қолгач шундай қилишар экан. Кит нафас оладиган тешик фақат ўпка билан эмас, у эшитиш аппарати билан ҳам боғлиқ бўлар экан. Кит нафас оладиган тешикдан худди чийиллаганга ўхшаш товуш чиқарар, бу товушни китлар локатор хабаридек қабул қилиб яшашар экан.

„ТО" спорт ҳафтаси

Тошкент — Олмаота шахмат матчи

БИРИНЧИ ТАХТАДА СОАТЛАР ТУХТАТИЛДИ, ИККИНЧИ ТАХТАДА КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ


26 сентябрда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг иккинчи тахтасида олмаоталик шахмат мухлисларининг юришн эълон қилинганди. Улар ўзларн оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада матч Низомига мувофиқ биринчи танаффус олишган эди. Яхшиси бу ҳақда «Вечерняя Алма-Ата газетаси ёзганларини айнан келтирамиз. «Аввал хабар қилганимиздек, тошкентлик шахматчилар билан бўлаётган «Дўстлик матчи»нинг биринчи партиясида олмаоталиклар томонидан филнинг юришида қўпол хатога йўл қўйилди, натижада сиполнн бой бериш аниқ бўлиб қолди. Позицня таҳлили шуни кўрсатдики, оқлар учун бой берилган сиполнинг ўрнини қоплаш имконнятн йўқ. Шу боисдан ҳам, оддий қилиб айтганда, биринчи партияда соатнн тўхтатишга қарор қилинди. Матчда 1:0 ҳисобида тошкентлик шахмат мухлисларн олдинда боришмоқда».

Иккинчи тахтада баҳс давом этмоқда, маълумки, олмаоталиклар газетхонларимизнинг Крсl—вl юришига Ка5—с4 билан жавоб беришган эди.


Газетхонлардан тошкентликлар оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги —ўн еттинчи юришни таклиф этишни сўраган эдик.

Редакция шахмат мухлисларидан кўплаб таклифлар ёзилган хат олди. 20 газетхон таклифини телефон орқали хабар қилди. Уларнинг кўпчилиги ўн еттинчи юриш С12—с1 тарзида бўлиши лозимлигини айтишган. Жумладан, Г. Ким, И. Мирзагалимов, В. Колодин, Б. Долимов, Ф. Қорабоев, Б. Офицеров, Ю. Юсупов, К. Кирясов, И. Зокиров, И. Мусаев ва бошқалар шундай таклиф билдирганлар. Бу юришлар тўғри деб топилди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

ОЛМАОТА — ТОШКЕНТ



ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



Энди ҳар икки тахтада қилинган юришларнни эслатиб ўтамиз. Биринчи тахтада: 1. e4e5 2. Кс3 Кf6 3. f4d5!4:e5 Кf6:e4 5. d3 Кс3 6. в2:с3 d4 7. Кf3 Кс6 8. Се2 Сс5 9. Сg5 Фd5 10. с.4 Са4! 11. Крf2 Фс5 12. Сg5—t4 0 — 0 13. Лf1!f6, 14, e5:f6 Лt8:f6 15. Сf4:c7 Фе7.

Иккинчи тахтада: 1. d4d5 2. С4dс 3. Кf3. Кf6 4. e3 Сg4 5. Сс4 е6 6. h3 Сh5 7. Кс3h а6 8. g4 Сg6 9. Ке5 Кd7 10. Ке5:g6 h7:g6 11. Фf3 Кс6 12. а3 Ка6 13. Са2 Фd7 14. Сd2 0—0—0 15. 0—0—0 Кс6—а5 16. КрС1—в1. Ка5—с4 17. Сd2—Сс1.


Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дўстлик матчи»]га. Таклифларингизни 325885, 330874, 325680, 325681 телефонларн орқалн ҳам хабар қилишингиз мумкин.

КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН

«Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газеталарининг ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Дўстлик» сиртқи шахмат матчи Тошкент шаҳридаги мухлислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Шаҳримиздаги жуда кўп маданият ва истироҳат боғларида ишлаб турган шахмат клублари ва павильонларида матчнинг боришига доир диаграммалар ташкил этилиб, ҳар икки тахтадаги вазиятлар дам олиш кунлари қизғин муҳокама этилмоқда. Бу дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига ёрдам бериш билан бирга, қадимий ўйинининг янада оммалашишига ёрдам берялти.

СУРАТДА: Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида шахмат мухлислари ҳар икки тахтадаги вазиятни таҳлил этаётган пайт тасвирланган. Улар бу ерда шанба ва якшанба кунлари «Дўстлик» матчидаги вазиятларни муҳокама этиб, газетага ўз фикр-мулоҳазаларини юборишмоқда.

Т. Каримов фотоси.



Ҳеч нарса, ҳеч нима унутилмайди

ИМПЕРИЯ КЎПРИГИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Чугинка қишлоғидаги биронта ҳам қурғинни Украина Компартиясининг 50 йиллиги номидаги колхознинг кекса дурадгори А. Золкин масласатмсиз қурилмайди. Уруш ва меҳнат ветераии уй иссиқ ва шинам, ёруғ бўлмоғи учун унн қандай қурнш кераклигиии ҳамқишлоқларига айтиб туради. Андрей Матвеевич дурадгорликнн урушда сапёр бўлганида ўргандн. Суронли йилларда унинг мморатлар қурншидан ташқари фашист вахшнйлар вайрон қилмоқчи бўлган қадимгн архитектура ёдгорликларнни ҳам сақлаб қолишга тўғри келди.

...Бу воқеа 1945 йилнинг апрелида бўлганди. Гитлерчилар совет қўшинларининг тазйиқидан чекинаётиб, Дунайнинг ўнг соҳилидаги Вена шаҳри районида кучли мудофаа маррасини вужудга келтирдилар. Улар дарёдан ўтпладиган кўп жойни портлатдилар. Энди навбат гўзал имперня кўпригига келганди. Фашистлар кўприкнинг устунларига 100 яшнддан кўп портловчи моддаларнни ўрнатиб чиқдилар.

Бироқ тарихий ёдгорликка ҳеч нарса қилмади. Унн бир группа совет сапёрлари сақлаб қолди. Шулар орасида оддий аскар Золкин ҳам бор эди. Тунда олтовлон кўприкка яқинлашиб келди. Улар кўприк қоровулларнни йўқотиб, баландликда яшикларнинг арқоиларнни кесдилар ва ажал юкнни Дунайга ташладилар. Группа фашистларнинг ҳужумини даф этиб, совет танкларн етиб келгунча кўприкни бир соатдан кўпроқ ушлаб турди. А. Золкин ва унинг жанговар ўртоқлари операциядаги мардлик ва жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

А. КОВАЛЕНКО,
ТАСС мухбири.

КАТАЛИЗ ҲАҚИДА ЯНГИЛИК

СССР Давлат кашфиётлар рўйхатига янги сатрлар ёзилди. Ломоносов номидаги Москва университети олимларининг органик химия соҳасидаги илмий кашфиёти рўйхатдан ўтказилди.

— Биз жаҳон фанида илк бор туз катализаторлар актив суратда реакцияга киришиб, янги бўлган моддалар ҳосил қилиши мумкинлигини кўрсатиб бердик. Ҳолбуки, илгари бу катализаторлар химиявий жараёнда қатнашмай, уни тезлатади деб ҳисобланарди, — дейди иш раҳбари СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. С. Зефиров.— Шу метод билан олинган моддалар ғалати, баъзан эса ноёб ҳоссаларга эга. Улар самарали фармакологик препаратлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган заҳарли химикатлар ва пестицид моддалар, хўшбўй парфюмерия моддалари каби қимматли органик бирикмаларни синтез қилишда ишлатилиши мумкин. Биз илк бор олган баъзи бирикмалар одам иммунитетига ҳам таъсир қила олади. Бу эса орган ва тўқималарни кўчириб ўтказишда муҳимдир. Синтез қилинган бир қанча янги бирикмалар шишаларга қарши актив бўлиб чиққанлиги тўғрисидаги маълумотлар бор.

Москва Давлат университети химия факультетининг олимлари — СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. С. Зефиров, химия фанлари кандидатлари А. С. Козьмин, В. В. Жданкин ва В. Н. Кирин қилган илмий кашфиёт органик химия фундаментал проблемаларини ўрганишга янгича ёндошиш ва органик структуралар синтезини маълум мақсадда бошқариб боришга имкон беради. (ТАСС).

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

▲ Тошкентдаги «Динамо» теннис кортида теннис бўйича республика очиқ биринчилиги баҳслари якунланмоқда. Унда мамлакатимиз энг уста теннисчилари иштирок этишяпти. Тошкентлик спортчилар муваффақиятли қатнашаётганлиги қувончлидир. Жумладан, якка разрядда Виктор Богатирёв ярим финалда командадоши Виктор Колесниченкони енгиб, финалга йўлланма олди. У чемпион номини қўлга киритиш учун белоруссиялик катта ракетка устаси Игорь Тихорко билан беллашади.

Аралаш жуфтликлар баҳсида ҳамшаҳарларимиз Наталья Степанова Томас Лейус билан ҳамкорликда ленинградлик Иванова ва Бур билан беллашади. Биринчилик яқинда республикамиз пойтахтида бошланадиган мамлакат биринчилиги олдидан ўзига хос сўнгги синов вазифасини ўтайди.

▲ Тошкентдаги В. И. Ленин майдонида Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон йўллари бўйлаб ўтадиган агитация-автопойгасига старт берилди. У Иттифоқдош республикалар ва Компартиялари ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган. Автопойгани Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика ДОСААФи Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Радио ва телевидение давлат комитети ташкил этган. Автопойгачилар сафида шаҳримизда ва республикамизда машҳур бўлган меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, машҳур спортчилар бор. Автопойга икки ҳафта давом этади. Қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар ўтказилади, спорт мусобақалари ташкил этилади.

▲ «Меҳнат резервлари» спорт комплексида волейбол бўйича аёллар командалари ўртасида СССР Кубогининг финал группасида қатнашадиган командалар аниқланди. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси ҳам ана шундай ҳуқуқни қўлга киритди. Команда сўнгги учрашувда мамлакатимизнинг бир неча марта чемпиони москвалик динамочи қизларни мағлубиятга учратдилар.

▲ Владивосток шаҳрида олий лигада қатнашаётган эркаклар баскетбол командалари биринчи тур учрашувларини ўтказишди. Тошкентнинг «Университет» командаси беш учрашувдан иккитасини ғалаба билан якунлаб, юқори ўринлардан бирини эгаллашга муваффақ бўлди.

ОБЛАСТЬ ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Янгийўлда «Спартак» кўнгилли спорт жамиятн Тошкент область советининг биринчилиги бўлиб ўтди. Ўсмир ва қизлар рус шашкаси бўйича ғолибларни аниқлашди.

Ўсмирлар ўртасида 10 учрашувдан 9 очко тўплаган спорт мастерлигига кандидат, 170-техника бнлим юрти ўқувчиси Сергей Бородин жамият чемпиони бўлди. 8 очко тўплаган янгийўллик мактаб ўқувчиси Игорь Бабович иккинчи, 6,5 очко тўплаган «Узторцветмет» заводининг ишчиси Рафаэль Мунировн учинчи совриндор бўлди.

Қизлар ўртасида биринчи ўрин шаҳримиздаги 1-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муборак Саъдиевага насиб этди. У 10 учрашувдан 9 очко тўплади. Иккинчи ўринни унинг синфдоши Гулчеҳра Искандарова, учинчи ўринни радиотехника техникумининг биринчи курс ўқувчиси Елена Гусева эгаллади.

Мусобақаларга СССР спорт мастери, ўн олти марта Ўзбекистон чемпиони, республика категорнясидаги судья Шариф Ёқубов судьялик қилди.

Г. ИСМАТУЛЛАЕВА.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

«Тошкент оқшоми» газетасига 1985 йил учун обуна давом этмоқда. 1985 йил учун обунани шу йилнинг 1 ноябрига қадар расмийлаштириш лозим. Обуиаиинг баҳоси бир йилга — 7 сўм 80 тийин, олти ойга — 3 сўм 90 тийин. Обуна «Союзпечать» корхоналари, алоқа бўлимлари, иш ва ўқиш жойларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинмоқда.

Обуна билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалар ҳамда шикоят юзасидан ушбу адресга мурожаат қилишингиз мумкин: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. «Тошкент оқшоми» редакцняси. Телефонлар: 33-57-02, 33-29-70, 33-29-89, 33-29-33.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕ

«СКОПЛЕ» ЎҚИШГА ЧОРЛАЙДИ

МЕҲНАТ ҚУВОНЧ БАХШ ЭТИШИ, ОДАМЛАРГА ФОЙДАЛИ ВА КЕРАКЛИ БЎЛИШИ УЧУН ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАМОҚ КЕРАК?

«СКОПЛЕ» МАГАЗИНИ ҚОШИДА

МАКТАБ-МАГАЗИН ОЧИЛДИ

МАКТАБ-МАГАЗИНДА 6 ОЙ ДАВОМИДА СИЗ САНОАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИСИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН.

«СКОПЛЕ» МАКТАБ-МАГАЗИНГА 16 ДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчиларга ойига 52 дан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Хоҳлаганлар мактаб-магазинда ўқишни савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида қўшиб давом эттиришлари мумкин.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ БИТИРГАНЛАР «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ ЙИРИК МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этингиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1«а» уй. «Таштекстильшвейторг». Телефон 78-87-98.

«Скопле» магазини, «Марказ —14» квартали 25-уй.



«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-87-01

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИГА

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚНИ ИСТАЛГАН АЛОҚА БЎЛИМИДА ТЎЛАШ МУМКИНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Трансагентлик—қишлоқ меҳнаткашларига

Тошкент шаҳридаги колхоз бозорларига томорқаларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказишда қулайлик яратиш мақсадида КОЛХОЗЛАР БОШҚАРМАСИ ВА «ТАШОБЛТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ-АГЕНТЛИК»ЛАРИ БИРЛАШМАСИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Бекобод-Бўка-Пискент-Тошкент (Қўйлиқ ва Олой бозорларига).

Автобус бозорга соат 8.45 дан 11.00 гача ва соат 23.45 дан 02.00 гача келади. Бозордан эса 7.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Чиноз-Пахта-Янгийўл-Тошкент (Фарҳод ва Олой бозорларига). Автобус бозорга соат 7.30 дан 9.30 гача келади. Бозордан эса 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Минводи-Келес-Тошкент (Октябрь бозорига). Автобус бозорга соат 7.00 дан 11.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Паркент-Тошкент (Госпиталь бозорига).
Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.
Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.
Черняевка-Юнусобод (Олой бозорига).
Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.
Тўйтепа-Қўйлиқ (Олой бозорига).
Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.
Қибрай-Луначарское шоссеси (Олой бозорига).
Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.
Калинин район маркази — Фарҳод бозори.
Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Автобусларнинг бозорга келиши ва жўнаши ҳар 30 минутда амалга оширилади.

Маршрутларда махсус жиҳозланган юк ташиш пассажир автомобиллари қатнайди.

Трансагентлик ходимлари юк ортиш-тушириш ишларини ҳам бажарадилар.

Маршрутда қатнайдиган юк ташиш пассажир автомобилларида битта пассажирдан 13-02-04 прейскуранти бўйича ҳар бир багаж учун 30 тийиндан,

50 километрдан ортиқ бўлган манзилга эса 50 тийиндан ҳақ олинади.

ҲУРМАТЛИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

Сизни янги юк ташиш пассажир маршрутларидан фойдаланишга таклиф қиламиз!

46-78-07 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

КИНО

3 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЧКЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК» — Санъат сарайи (18.30, 20.45).

«НОЁБ ХИСЛАТ» —Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — Чайка (18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ПРОФЕССОР ДОУЭЛНИНГ ВАСИЯТИ» — М. Шайхзода номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ЕВРОПА ВОҚЕАСИ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ОДАМДА ҲАМ ОДАМ БОР» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — Нукус (18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«АКТРИСА ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР» — К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

4 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЧКЎЗЛИККА ҚАРШИ МАККОРЛИК» — Санъат сарайи (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ПАРОЛЬ: «РЕГИНА» МЕҲМОНХОНАСИ» — К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — Чайка (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ПРОФЕССОР ДОУЭЛНИНГ ВАСИЯТИ» — М. Шайхзода номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ЕВРОПА ВОҚЕАСИ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«БЎРИ УЯСИ» — Нукус (11, 12.30, 16, 18.30, телефон 46-70-69).

«БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ» — М. Шайхзода номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

ТВ

ЧОРШАНБА

3 ОКТЯБРЬ

● МТ I

19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
20.20 «Бу менинг қалбимда эди». Вс. Вишневскийга бағишланган телефильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 1/16 финал. «Днепр» — Трабзонспор» (Туркия). Кривой Рогдан олиб кўрсатилади.
24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
00.15 Футбол бўйича Кубок эгаларининг кубоги 1/16 финал. «Хайдук» (Югославия) «Динамо» — (Москва). Югославиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Куз оҳанглари». Фильм-концерт.
19.15 «Ичишни ташладим». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
21.30 «Время».
22.00 «Узундан-узоқ йўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия (ГДР).

● УзТВ I

18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Комсомол менинг тақдиримда» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун».
20.10 «Республика шолипояларида».
20.30 «Ахборот».
20.50 УзССР Давлат телерадиоси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 «Барбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм. 1-серия.
23.20 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

4 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.55 «Инсон, машина ва ҳис-туйғулар». Илмий-оммабоп фильм.
10.15 «Котовский». Бадиий фильм.
11.25 «Ҳайвонот оламида».
12.25 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Анъаналар давомчилари». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Бизнинг мулкимиз». «Коллективизм —ҳаётимиз қонуни».
16.45 «Асли болаликдан». Р. Погодин. «Кешка ҳақида ҳикоялар».
17.30 Бадиий коллективлар концерти.
17.55 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
18.25 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономиканн бошқариш».
18.55 П. И. Чайковский. «Болалик альбомидан».
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 «Дунё ва ёшлар».
20.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Спартак» (Москва) — «Оденсе» БК (Дания).
21.30 «Время».
22.05 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». «Етиштирилган барча ҳосилни авайлаб сақлайлик». Кўрсатувни снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради.
23.05 Балет артистларининг концерти.
23.45 «Дунё воқеалари».
00.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

● МТ I

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Ладо». Телефильм.
9.55—10.05 «Қутб қушлари ҳақида». Илмий-оммабоп фильм.
12.00 «Оила ва мактаб ҳамкорлиги».
12.30—12.40 «Техника — буюмлари. Вақтнинг ўлчагичлар». Илмий-оммабоп фильм.
14.50 «Финишсиз пойга». Бадиий фильм, сўнгги серия.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми В. Горяев.
19.25 «Даҳлсиз бойлик». Телефильм.
19.35 М. Мусоргский. Фортепиано учун асарларидан концерт.
20.05 «Дангара — менинг юртим». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли кичкинтойлар».
20.45 Омск Давлат рус драма театрининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Узундан-узоқ йўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия (ГДР).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Марҳаматларга ва меҳрга». Телефильм.
10.55 Болалар учун фильмлардан лавҳалар «Дўстлик — дўстлик» (рус.).
12.10 «Асосий йўл». Ҳужжатли фильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Сўз кетидан сўз». Рус тилида сўзлашиш курсининг 1-дарсини такрорлаш.
18.50 «Биргаликда шодмиз, биргаликда ташвишланамиз». Фильм-концерт.
19.20 Граждан мудофаси ҳақида. Ўзбекистон ССР Граждан мудофаси штаби бошлиғи, генерал-майор С. С. Охунжонов билан суҳбат.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Саодат» журнали саҳифаларидан.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Барбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм. 2-серия.
23.20 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.20 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар авлоди сомолларк».
18.45 «Капитанлар». Телефильм.
19.10 «Романс кечаси».
19.40 Реклама.
19.50 «Тогларда куз». Телефильм.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ахборотлар назарида». Ойлик VI Халқаро танлови.
20.50 «Рута-Мята группаси». Мусиқали фильм.
21.30 МТ II

214-ҳунар-техника юртн томонидан Бекмурадов Акбар Аликулович номига берилган 473181 номерли ҳисобланган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Октябрь колхоз маъмурнятн, партия ва союз ташкилотлари сизга зор хизматчиси, 1928 йилдан КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Абдумалик ҚОСИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур ғу билан билдириб, унинг оила аъзоларига изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар дорилар маъмурнятн, партия ва союз ташкилотлари Ленин на мудири А. Маллаевич

Абдусаттор МАВЛОНОВнинг

вафот этганлиги муноси билан чуқур таъзия изҳор ладилар.

«Радуга» нашриёт Тошкент бўлими коллектив нашриёт ходими С. А. Ким мовга отаси

Валиулла ҚАРНИМОВнинг

вафот этганлиги муноси билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик 32_55_32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

3 ОКТЯБРЬ, 1984 й. Р—12490. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10